

Кўб вақтдан бери миллатимни тараккий этдируб, бошка миллатларга ўхшаш осмонга учурмок нияти олияси кўнглимда ўрунлашиб, мунинг учун турли йўллар билан тиришиб кўрдим. Лекин бу бахтсизлигимдан барча тадбир ва хамма хидматим фойда этмай, бўшга кетди. Яъни мил-латимни кўкларга учурмок нари турсун, локал кўрларнинг асокашидек ани дангасалик водийсиндан уч-тўрт кадам етаклаб бир четга чикармокка хам муваффақ бўлолмадим. Менга ўхшаш бошка йўлдошларим хам бу тўгрида бирор турли муваффақият кўролмадиларки, бу шай мени гоят чуқур ўйламакга мажбур этди. Бир неча йил кўкнорилардек ўйлаб юргандан сўнг охири муваффақиятсизлигимнинг сабабларини топдим. Яъни миллатни бўйни йўгонлик уйкусиндан уйготиб кўзини очтурмок йўлини билиб олдим. Шунчасини хам айтмасдан, максадга кириша олмайманким, маним бу зўр кашфиётимга «илми ахволи рух» фани яхшигина ёрдам этди.

Мана, сизга хакикат! Бизнинг мусулмонлар, бохусус туркистонлилар дангаса, бўйнийўгон, муфлис, мутаққабир, галати бир жонвор экан. Бу жонворларни турли бузукликлардан чиқариб инсон каторйга киргузмак, иккинчи бир иборат билан айтганда, хушёкмаслик уйкусиндан уйготиб, кўзини очтурмок учун «Таёк»дан бошка нарса керак эмас экан.

Мен бу ишни бир неча мартаба тажриба этиб яхши натижасини кўрдимки, халкни хушёр этмак учун «Таёк» афанди зўр омил ва муассир экан. Мана шунинг учун «Таёк» отинда хажвий бир газета чикармокка қарор бердим.

«Таёк»нинг максад ва маслаги:

Тўгрилик ва халкни тўгри йўлга солмок бўлуб, ул ҳеч кимга ва ҳеч бир қувватга бўйун эгмасдир. Ул ёлғиз чин инсоният ва хакконийлик қошинда эхтиром билан тенг турадир.

«Таёк» тўгрилик йўлинда зўраки бойлардек синиб майда-чуйда бўлуб кетганча ўз вазифасини адо этадир, аммо эгриликни ҳеч вақт қабул этмайдир.

Сўзнинг қисқаси, «Таёк» тўгрилар учун асои ҳузур, эгрилар учун зулфикори Алидир.

Букун ўқувчи афандиларга хакикат сўзидан бир-икки калима арз этиб сўзни битураман,
мундан сўнграда ёзиб турмокни риоя этаман.

Ботурбек

«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 19 ноябрь